

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.B.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ЖЎРАЕВ СИРОЖИДДИН ТУРДИҚУЛОВИЧ

**ЁЎЗАНИНГ ИНТРОГРЕССИВ ДУРАГАЙ ВА ТИЗМАЛАРНИНГ
ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ҲАР ХИЛ ТУПРОҚ-ИҚЛИМ ШАРОИТЛАРДА
БЎЛГАН АДАПТИВ ПОТЕНЦИАЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

03.00.09-Умумий генетика

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Жўраев Сирожиддин Турдикулович

Ѓўзанинг интродюссив дурагай ва тизмаларнинг Ўзбекистондаги хар хил тупроқ-иклим шароитларда бўлган адаптив потенциалидан фойдаланиш.....

3

Жураев Сирожиддин Турдикулович

Использование адаптивного потенциала интродюссивных гибридов и линий хлопчатника в различных почвенно-климатических условиях Узбекистана

29

Juraev Sirooiddin Turdikulovich

Using the adaptive potential of introgressive hybrids and lines of cotton in different soil and climatic conditions of Uzbekistan

55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

59

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ
БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ЖЎРАЕВ СИРОЖИДДИН ТУРДИҚУЛОВИЧ

**ҒЎЗАНИНГ ИНТРОГРЕССИВ ДУРАГАЙ ВА ТИЗМАЛАРНИНГ
ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ҲАР ХИЛ ТУПРОҚ-ИҚЛИМ ШАРОИТЛАРДА
БЎЛГАН АДАПТИВ ПОТЕНЦИАЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

03.00.09-Умумий генетика

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.DSc/B145 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Тошкент Давлат Аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.genetika.uz) манзилига ҳамда «Ziyounet» ахборот-таълим порталининг (www.ziyounet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Эгамбердиева Саида Абдусаматовна
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта
илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Қаххоров Иззатулла Тилонович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта
илмий ходим

Ахмедов Джамолхон Ходжанонович
биология фанлари доктори, профессор

Бобоев Сайфулла Гифуринович
биология фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:


Самарқанд давлат университети

Диссертация химояси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.B.53.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «10 декабрь» соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзили: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-юз п/б, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 264-23-90, факс (+99871) 264-23-90, E-mail: igebr@academy.uz).


Диссертация билан Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 223 рақами билан рўйхатга олинган. (Манзили: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-юз. Тел.: (+99871) 264-23-90).

Диссертация автореферати 2021 йил «10 декабрь» куни тарқатилди.
(2021 йил «10 декабрь» даги 46 рақамли реєстр баённомаи).




А.А. Нариманов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, к.х.ф.д., профессор


Б.Х. Аманов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
зиёвий котиби, б.ф.д., катта илмий ходим


Ш.Юсуханов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
кошидаги Илмий семинар раиси, б.ф.д.,
профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида қишлоқ хўжалиги экинларининг селекциясида олиб бориладиган танлаш ишлари самарадорлигининг таҳлили шуни кўрсатадики, бу жараёнда қўлланиладиган танлаш усуллари маҳаллий тупроқ-иқлим, об-ҳаво ҳамда ҳар бир мамлакатнинг технологик ва ижтимоий-иқтисодий шароитларига мослашган бўлиши керак. Шунинг учун, қишлоқ хўжалиги экинларининг янги навларини яратишда генотиплар потенциални бир вақтнинг ўзида бир нечта географик жойларда баҳолаш, кенг мослашувчанлик имкониятига эга шакллари аниқлаш истиқболли йўналишлардан бири ҳисобланади. Шу ўринда, интрогрессив тизмалар асосида ҳосилдор, сифат кўрсаткичлари ва иқтисодий самарадорлиги юқори бўлиши билан бир қаторда, ноқулай ташқи муҳит омилларига чидамли ҳамда истиқболли навлар яратиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда пахтачиликни янада ривожлантириш учун турли тупроқ-иқлим шароитларида тизма ва навларни ўзгарувчанлик даражаси ва мосланувчанлик потенциални таҳлил қилишга йўналтирилган илмий изланишлардан фойдаланишга катта эътибор берилмоқда. Бу эса турли тупроқ-иқлим шароитларга мослашган интрогрессив дурагай ва тизмалар асосида истиқболли навларни яратиш, миқдорий белгиларининг ўзгарувчанлиги даражаси аниқлаш, қимматли хўжалик белгиларининг умумий фенотипик ўзгарувчанлигига генетик ва ташқи муҳит омилларининг таъсири таҳлил қилиш, қимматли-хўжалик белгиларининг ўзаро корреляциясини аниқлаш, тизмаларнинг популяцияларида ҳосилдорлик ва қимматли хўжалик белгилар шаклланиш қонуниятлари ишлаб чиқиш устувор йўналишлардан бири бўлиб, бу борада тадқиқотлар олиб бориш зарур.

Мустақиллик йилларида республикада турли иқлим шароитларига мос бўлган янги ғўза навларини яратиш бўйича қатор илмий ишлар бажарилди. Ушбу йўналишда амалга оширилган чора тадбирлар асосида мамлакатимизни кўплаб ҳудудлари экологик беқарор минтақалар бўлганлиги сабабли ғўзанинг стресс омиллар таъсирига чидамли навларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича муайян натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ “маҳаллий тупроқ-иқлим ва экологик шароитларига мослашган қишлоқ хўжалик экинларининг янги селекцион навларини яратиш” вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, дурагай ва тизмаларида қимматли хўжалик белгиларининг мосланувчанлик имконияти, генотип ва атроф-муҳитнинг таъсири, уларнинг ҳосилдорликка ва бошқа қимматли-хўжалик белгиларни ўзаро боғлиқлиги, янги юқори мослашувчан навларни яратиш муҳим аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 985-сон «2020 йилда ғўза навларини жойлаштиришнинг ва пахта етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V.«Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Қишлоқ хўжалик ўсимликлар генетикаси ва селекциясининг экологик усуллари кенг миқёсида фойдаланиш бўйича илмий тадқиқотлар нафақат нав ва экинларни етиштиришнинг чегараларини белгилаш, балки таъсир меъёрини, маълум экинларнинг маҳсулдорлиги ва бошқа қимматли-хўжалик белгиларга генотип ва муҳитнинг таъсирини аниқлаш мақсадида режали ва кенг нав синашга йўналтирилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Техас механика ва қишлоқ хўжалиги университетида (АҚШ), АҚШ қишлоқ хўжалиги департаменти илмий тадқиқот марказларида (USDA-ARS), Central Cotton Research Institute (Покистан), Экология ва география институти (Хитой), Agricultural Research Institute, (Миср), Central Institute for Cotton Research (Ҳиндистон), University of Sydney (Австралия), Cotton Research Institute (Туркия), Ҳиндистон қишлоқ хўжалиги университетида (New Delhi), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари институтида, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Ғўзанинг ташқи муҳит ноқулай омилларига мослашувчанлиги ва ўзарувчанлик даражаларини ўрганишга оид жаҳонда олиб борилган изланишлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: селекцион ашёларни бир нечта жойларда бир вақтнинг ўзида синаш ишларини ўтказиш юқори маҳсулдорлик потенциалини ва экологик пластиклигини аниқланган, ғўзани турли тупроқ-иқлим шароитларда ҳосилдорлик ва мосланувчанлик имкониятларини ошириш мақсадида ҳар

² Диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи <https://www.tamuk.edu>, <https://www.ars.usda.gov>, <https://www.ccri.gov.pk>, <http://english.egi.cas.cn>, <http://www.arc.sci.eg>, <https://www.cicr.org.in>, <https://www.sydney.edu.au>, <http://www.du.ac.in>, igebr@academy.uz ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

битта нав ва минтақа учун энг мақбул агрономик тавсиялар ишлаб чиқилган (Agricultural Research Institute, Миср), ғўза намуналарини ташқи муҳитнинг биотик ва абиотик омилларига чидамлилиқ имкониятини аниқлаган (Экология ва география институти, Хитой), интрогрессив шаклларнинг қимматли хўжалиқ ва сифат белгиларини шаклланиши, коррелятив боғлиқлиги ҳамда кластер таҳлили асосида ўрта толали тизмалар олинган (Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти, Ўзбекистон), географик узок ва интрогрессив шаклларида амалий селекцияда фойдаланиш натижасида ҳосилдор, тола чиқими юқори нав яратилган (Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари институти, Ўзбекистон).

Дунёда ғўза бўйича турли тупроқ-иқлим шароитларида қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: мосланувчанлиқ имкониятлари, интрогрессив дурагай ва тизмаларида микдорий белгиларининг ўзгарувчанлиги даражаси, турли тупроқ-иқлим шароитларда қиёсий таҳлил қилиш, қимматли хўжалиқ белгиларининг умумий фенотипик ўзгарувчанлигига генетик ва ташқи муҳит омилларининг таъсири, қимматли-хўжалиқ белгиларининг ўзаро корреляциясини аниқлаш, генетика ва селекциянинг анъанавий ва ноанъанавий усуллари ва замонавий МАС технологиялари асосида қимматли-хўжалиқ белгилари янги юқори мослашувчан навларни яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлиқ даражаси. Қишлоқ хўжалиқ ўсимликлар селекциясининг экологик усуллари илмий асосларини ишлаб чиқиш ва фойдаланиш академик Н.И.Вавилов номи билан боғлиқ. Унинг ғояларини давомчиси Е.Н.Синская (1933) биринчилар қаторида «экологик селекцияни» аниқлаб берди ва кўп йиллик ем-хашак ўтларнинг экологик селекциясининг бир қатор муаммоларини кўрсатиб берди. Бугунги кунда экологик селекциясини назарий асослаш ва самарали олиб боришнинг назарий асоси бўлиб, Н.П.Дубинин, Я.П.Глембовский «Популяциялар генетикаси ва ўсимликлар селекцияси» (1976), А.А.Жученко «Маданий ўсимликларнинг экологик генетикаси» (1980), А.В.Кильчевский, Л.И.Хотылева «Ўсимликлар экологик селекцияси» (1985, 1987), Н.Г.Симонгулян «Ўзанинг микдорий белгилар генетикаси», Г.С.Шахмедова «Ўза нав намуналарининг жанубий Россия шароитига мослашувчанлиги» каби ишланмалари ва ишлари ҳисобланади.

Ўзанинг энг юқори маҳсулдорликни таъминловчи абиотик ва биотик атроф-муҳит омилларига реакция нормасини ўрганиш В.Т.Сампелл, М.А.Джонс (2005), Стоилова А.Дечев Д. (2002), С.Гул, Н.У.Хан, С.Батул (2014), Нхамо Мудадда, Джемс Читамба (2017), Саван Лағари, М.Муред Кандро (2003), Ф.Мукойи, Е.Газура (2018), С.Синг, В.В.Синг, А.Д.Чоудхари (2014), Руан дос С.Силва, Франсиско Ж. С. Фарияс (2020), Адиссу Г. Айеле, Девелл К. Девер (2020), Мехмет Калискан (2007) ва бошқа хорижий тадқиқотчилар ишларида ёритилган.

Адаптив селекциянинг муҳим йўналиши - нав ва дурагайларда юқори

потенциал маҳсулдорлик билан абиотик ва биотик стрессларга чидамлилигини жамлаш бўйича мамлакатимизда Н.А.Саакова, А.П.Абуховская, Е.В.Хегай (2001), Вентура Марте, С.М.Ризаева (2016), С.А.Усманов (2020), С.М.Набиев (2019), С.А.Эгамбердиева (2021) каби тадқиқотчилар ишларида ёритилган.

Бироқ, миқдорий белгиларнинг намоён бўлишини турли тупроқ-иқлим шароитларда қиёсий таҳлил қилиш, дурагай ва тизмаларида қимматли хўжалик белгиларининг мосланувчанлик имконияти, генотип ва атроф-муҳитнинг таъсири, уларнинг ҳосилдорликка ва бошқа қимматли-хўжалик белгиларни ўзаро боғлиқлиги, генотипнинг шароитлар мажмуасига жавоб бериш қобилияти, янги юқори мослашувчан навларни яратиш эса турли тупроқ-иқлим шароитларида пахта ҳосилининг барқарорлигини таъминлаш бўйича тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ҚХА-8-099 «Ўзанинг географик узоқ ва интрогрессив шаклларида фойдаланиш асосида ҳосилдор, тезпишар, юқори тола чикимига эга, тола сифати IV-типга мансуб навни яратиш» (2015-2017) ва №МВ-А-ҚХ-2018-205 «Ўзанинг интрогрессив шакллар асосида олинган дурагай ва тизмаларнинг Ўзбекистондаги ҳар хил тупроқ-иқлим шароитларда бўлган адаптив потенциалидан фойдаланиш орқали ҳосилдор навлар яратиш» (2018-2020) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади республиканинг турли тупроқ-иқлим шароитида адаптив навларни танлаш ва яратиш учун ирсий бойитилган интрогрессив дурагай ва тизмаларнинг қимматли-хўжалик белгиларининг ўзгарувчанлик даражаси ва коррелятив боғлиқлигини аниқлаш асосида янги бошланғич манбаларни яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзанинг F_2 - F_4 дурагайлари ва янги тизмаларида миқдорий белгиларининг намоён бўлишини турли тупроқ-иқлим шароитларда қиёсий таҳлил қилиш;

турли тупроқ иқлим шароитларда ўзанинг F_2 - F_4 дурагайлари ва тизмаларида қимматли хўжалик белгиларининг ўзгарувчанлик даражасини аниқлаш;

Ўзанинг F_2 - F_4 дурагай ва тизмалар популяциясида қимматли хўжалик белгиларининг умумий фенотипик ўзгарувчанлигига генетик ва ташқи муҳит омилларининг таъсирини аниқлаш;

Ўзанинг интрогрессив тизмаларини вилтга бардошлилик даражасини аниқлаш;

интрогрессив тизмаларни қимматли-хўжалик белгиларининг ўзаро корреляциясини аниқлаш;

қимматли хўжалик белгиларини комплекс баҳолаш асосида турли

тупроқ-иқлим шароитига юқори мослашиш қобилиятига эга, ҳосилдорлиги юқори бўлган нав ва тизмалар яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ғўзанинг интрогрессив F₂-F₄ дурагайлари ва тизмалари, Paymaster Dwarf (АҚШ), SlS 21726 (АҚШ), PD 6520 (АҚШ), Qualla Lot 361 (Австралия) ва Ruwden Lot 70 (Австралия) ҳамда андоза сифатида Наманган-77 ва С-6524 навларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети турли тупроқ-иқлим шароитида интрогрессив F₂-F₄ дурагай ва тизмаларида қимматли хўжалик белгиларининг ўзгарувчанлик даражаси, иккиомилли дисперсион таҳлили, вилтга бардошлилик даражаси, коррелятив боғлиқлиги ҳамда тизмаларнинг шаклланиш хусусиятларининг таҳлили ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда ғўзанинг классик генетик-селекцион усуллари, гибридологик таҳлил усуллари, қиёсий морфологияси, фенологик кузатувлар ва генетик-статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк маротаба республиканинг турли тупроқ-иқлим шароитида интрогрессив F₂-F₄ дурагай ва тизмаларида қимматли хўжалик белгиларининг мосланувчанлик имконияти аниқланган;

турли экологик шароитларда ирсий бойитилган интрогрессив F₂-F₄ дурагай ва тизмаларнинг қимматли-хўжалик белгиларининг ўзгарувчанлик даражаси аниқланган;

ғўзанинг интрогрессив F₂-F₄ дурагай ва тизмалари қимматли хўжалик белгиларининг генотип-муҳит ўзаро таъсир берилиши ва коррелятив боғлиқлик ҳар хил экологик шароитларда турлича бўлиши исботланган;

янги интрогрессив Т-681, Т-595, Т-705, Т-998 тизмалари Тошкент, Фарғона ва Қашқадарё вилоятлари тупроқ-иқлим шароитида *Verticillium dahliae* замбуруғига нисбатан зарарланиш кўрсаткичи 5,3-7,3 % эканлиги аниқланган;

турли тупроқ-иқлим шароитларда ғўзанинг интрогрессив F₂-F₄ дурагай ва тизмаларнинг популяцияларида ҳосилдорлик ва қимматли хўжалик белгиларни шаклланиш қонуниятлари аниқланган;

экологик-генетик имкониятларини республиканинг турли тупроқ-иқлим шароитида ўрганиш асосида популяцион генетиканинг ғўзада трансгрессиялар, генотип ва атроф муҳитнинг ўзаро таъсири тўғрисида янги маълумотлар олингани исботланган;

Тошкент, Фарғона ва Қашқадарё вилоятлари тупроқ-иқлим шароитларига мос бошланғич ашёлар ажратиб олинган ҳамда қимматли-хўжалик белгиларининг юқори кўрсаткичларига эга янги ўрта толали ғўзани С-6782 нави яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Интрогрессив тизмаларнинг турли тупроқ-иқлим шароитида қимматли-хўжалик белгиларининг ўзгарувчанлик даражаси, коррелятив боғлиқлик ва вилтга бардошлилигини аниқлаш асосида ҳосилдор, тезпишар, тола чиқими 41,0-43%, сифат

кўрсаткичлари ҳамда мослашувчанлик имконияти юқори бўлган тизмалар ажратиб олинган;

республикамизнинг ҳар хил тупроқ-иқлим шароитларида ўрта толали янги интрогрессив тизмаларини бир хил шароитларда етиштирилганда уларнинг популяциялари ичида қимматли хўжалик белгилари бўйича юқори кўрсаткичга эга бўлган “С-6782” нави ташқи муҳитни ноқулай омилларига чидамли нав сифатида танлаб олинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги кўп йиллик тажрибаларнинг услубий жиҳатдан тўғри ўтказилганлиги ва ҳар йили махсус ташкил этилган апробация комиссияси томонидан ижобий баҳолангани, олинган натижаларнинг назарий маълумотларга мос келиши ва статистик таҳлили, қилинган хулосаларнинг илмий ва амалий асослангани, илмий тадқиқот натижаларининг ҳалқаро ва республика илмий-амалий анжуманлардаги муҳокамаси ҳамда ОАК эътироф этган маҳаллий илмий нашрларда ва хорижий журналларда чоп этилгани, ўрта толали «С-6782» ғўза нави яратилгани ва ишлаб чиқаришга жорий этилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ғўзанинг интрогрессив F_2 - F_4 дурагай ва тизмаларида қимматли хўжалик белгиларининг мосланувчанлик имконияти, ўзгарувчанлик даражаси, генотип/муҳит ўзаро таъсир берилиши, коррелятив боғлиқлиги ҳар хил экологик шароитларда турлича бўлиши, вилтга бардошлилик даражаси, популяцияларида ҳосилдорлик ва қимматли хўжалик белгиларни шаклланиш қонуниятлари таҳлил қилиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти республикамизнинг турли тупроқ-иқлим минтақаларида генетик жиҳатдан бойитилган F_2 - F_4 дурагай ва интрогрессив Т-681, Т-765, Т-595, Т-956, Т-782, Т-705 тизмалари бир хил шароитларда етиштирилганда уларнинг популяциялари ичида қимматли хўжалик белгилари бўйича юқори кўрсаткичга эга бўлган тизмаларни ажратиб олинганлиги, эртапишар, ҳосилдор, тола чиқими ва сифат кўрсаткичлари юқори янги ўрта толали “С-6782” нави яратилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ғўзанинг интрогрессив дурагай ва тизмаларнинг Ўзбекистондаги ҳар хил тупроқ-иқлим шароитларда бўлган адаптив потенциалидан фойдаланиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида:

интрогрессив Т-681, Т-765, Т-535, Т-956 ва Т-705 тизмалари №МВ-А-ҚХ-2018-205 «Ғўзанинг интрогрессив шакллар асосида олинган дурагай ва тизмаларнинг Ўзбекистондаги ҳар хил тупроқ-иқлим шароитларда бўлган адаптив потенциалидан фойдаланиш орқали ҳосилдор навлар яратиш» лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 01 июлдаги №02/020-2804-сон маълумотномаси). Натижада, вилтга бардошли ва мосланувчанлик имконияти юқори ҳосил бўлган тизмаларни ажратиб олиш ва улар билан селекция ишларини олиб

бориш имконини берган;

ғўзанинг интрогрессив Т-681, Т-765, Т-535, Т-956 ва Т-705 тизмалари «Ѓўза генофонди» ноёб объекти киритилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2021 йил 29 октябрдаги 4/1255-2987-сон маълумотномаси). Натижада, интрогрессив тизмалар ғўза коллекциясини бойитиш, ташқи муҳитнинг ноқулай омилларига мослаша оладиган ва ирсий жиҳатдан бойитилган намуналар бўйича электрон маълумотлар базасини яратиш имконинин берган;

ўрта толали “С-6782” ғўза нави 2020 йил Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани “Мустақил Алимардон” Фурқат тумани “Тўхташев Асадбек” фермер хўжаликларида жорий этилган (Ўзбекистон Фермер деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг 2021 йил 04 ноябрдаги №01/04-2905-сон маълумотномаси). Натижада, тезпишар, вилтга бардошли, андоза навга нисбатан тола чиқими юқори (4,8-5,3%) ва ҳосилдорлик қўшимча 3,9-4,2 ц/га ҳосил олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш нашр этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, жумладан, 12 та республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтига боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 192 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **”Маданий ўсимликларни яхшилашда экологик–генетик йўналишлар”** да диссертация мавзуси бўйича республикамиз ва хорижда олиб борилган илмий тадқиқотларнинг шарҳи, жумладан генотип-муҳит ўзаро таъсири, тизма ва навларининг экологик пластиклиги ва мосланувчанлик имкониятлари, қимматли хўжалик

белгиларнинг ўзгарувчанлик даражаси ва корреляциясини ўрганиш бўйича олинган илмий ва амалий натижаларнинг чуқур таҳлили келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотни олиб бориш шароитлари, манбалари ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тажриба ўтказиш шароитлари, манбалари тадқиқотларда қўлланилган генетик-селекцион ва статистик усуллар баён этилган. Тажрибалар 2018-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Тошкент (ПСУЕАИТИ), Фарғона ва Қашқадарё вилоятларида (ПСУЕАИТИ филиаллари) олиб борилган. Тадқиқот объекти сифатида ўрта толали ғўзанинг интрогрессив F_2 - F_4 дурагайлари ва турлари, хорижий ва маҳаллий навлари хизмат қилди.

Олинган маълумотлар Б.А.Доспехов (1985) бўйича статистик таҳлил қилинди. Генотип ва атроф-муҳитни асосий қимматли-хўжалик белгиларга таъсирини ўрганиш бўйича дала тажрибаларининг маълумотлари такрорланишлар билан икки омилли дисперсион таҳлил усули орқали қайта ишланди (Р.Фишер, 1958).

Вилт билан зарарланишни Б.В.Добровольский услуги бўйича илдиз бўғизи олдида бош поянинг кесими бўйича *V.dahliae* Kleb. замбуруғи тарқалиши ва интенсивлигига қараб аниқланди.

Бир нечта гуруҳ маълумотлари орасида дисперсияларни таққослаш учун Д.Тьюки (1977) ишлаб чиқилган қутичали диаграммадан фойдаланилди.

Толанинг сифат кўрсаткичларини Oz DSt 604-2001 стандарти бўйича HVI ускунасида аниқланди.

Диссертациянинг “**Ўзбекистондаги хар хил тупроқ-иқлим шароитларда қимматли-хўжалик белгиларининг таҳлили**” деб номланган учинчи бобда интрогрессив шакллар билан тола чиқими юқори бўлган нав ва тизмаларнинг F_2 - F_4 дурагайларида асосий қимматли-хўжалик белгиларни намоён бўлиши таҳлил қилинди.

Генотип ва муҳитнинг белгилар намоён бўлишига таъсири ҳамда уларнинг ўзаро таъсирини аниқлаш мақсадида қимматли-хўжалик белгилар бўйича F_2 - F_4 дурагай комбинацияларда икки омилли дисперсион таҳлил ўтказилди.

Маълумки, вегетация даврининг узунлиги об-ҳаво ва иқлим омилларига қараб ўзгариб туради. Тажрибаларда F_2 дурагайлари баҳоланганда, энг қисқа вегетация даври Қашқадарё вилоятида кузатилди ва гуруҳ бўйича ўртача 116,4 кунни ташкил этди, сўнг Фарғона вилоятидаги гуруҳ келади (117,1 кун), Тошкент вилоятида синалган дурагайлар эса ўртача 131,1 кунда пишган, бу маълумотлар худудларнинг иқлим шароитларига мос келади (1-жадвал).

Такрорланишлар билан икки омилли дисперсион таҳлил натижасида вегетация даврининг узунлиги бўйича ўрганилган F_2 дурагай комбинациялар ўртасида аҳамитяли фарқланишлар аниқланди. Ушбу белгига энг катта таъсир (72,4%) муҳит омили кўрсатди. Генотипнинг таъсири эса тажрибаларимизда 21,8% га тенг бўлди.

1-жадвал

Ўза дурагайларининг вегетация даври давомийлиги (2018 й).

Худуд	Дурагай комбинациялар	n	\bar{x} (кун)	S	S ²	V %
Тошкент (Салар)	F ₂ [(F ₈ Л-247 x S-484) x F ₁₅ Л- 248]	52	129,3	2,22	4,92	1,7
	F ₂ [(F ₈ (Бухара 6x Л-h) x Л-247)x (F ₈ Л-247 x S-6593)]	50	125,5	1,30	1,70	1,0
	F ₂ [(F ₁₅ Л- 248) x (F ₈ Л-243 x S-2552)]	48	136,0	3,16	10,00	2,3
	F ₂ [(F ₁₅ Л- 248) x S-2016]	56	133,8	3,30	10,92	2,5
	St. Наманган 77	51	115,8	0,30	0,10	0,3
	St. С-6524	50	114,2	0,20	0,40	0,2
Фарғона (Кува)	F ₂ [(F ₈ Л-247 x S-484) x F ₁₅ Л- 248]	50	116,5	1,29	1,67	1,1
	F ₂ [(F ₈ (Бухара 6x Л-h) x Л-247)x (F ₈ Л-247 x S-6593)]	45	112,0	1,60	2,70	1,5
	F ₂ [(F ₁₅ Л- 248) x (F ₈ Л-243 x S-2552)]	48	121,5	1,29	1,67	1,1
	F ₂ [(F ₁₅ Л- 248) x S-2016]	52	118,5	1,29	1,67	1,1
	St. Наманган 77	50	110,2	0,20	0,40	0,2
	St. С-6524	51	108,8	0,30	0,10	0,3
Қашқадарё (Касби)	F ₂ [(F ₈ Л-247 x S-484) x F ₁₅ Л- 248]	51	117,0	1,83	3,33	1,6
	F ₂ [(F ₈ (Бухара 6x Л-h) x Л-247)x (F ₈ Л-247 x S-6593)]	47	109,8	1,70	2,90	1,6
	F ₂ [(F ₁₅ Л- 248) x (F ₈ Л-243 x S-2552)]	46	118,8	0,96	0,92	0,8
	F ₂ [(F ₁₅ Л- 248) x S-2016]	51	120,0	1,83	3,33	1,5
	St. Наманган 77	57	114,7	0,20	0,40	0,2
	St. С-6524	54	112,6	0,20	0,40	0,2

Белгининг кўрсаткичларига генотип-муҳит ўзаро таъсири аҳамиятсиз (1,4%) бўлди. Ҳисобга олинмаган омилларнинг улуши ҳам кам аҳамиятли (4,5%) эканлиги аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал

F₂ дурагайларининг вегетация даври давомийлигини дисперсион таҳлили

Вариация манбаси	SS	df	MS	F	P-қиймати	F-критик
Танлама	664,9167	3	221,6389	58,24088	6,88E-14	2,866266
Устунлар	2208,667	2	1104,333	290,1898	6,25E-23	3,259446
Ўзаро таъсир	41,33333	6	6,888889	1,810219	0,124704	2,363751
Ичида	137	36	3,805556			
Жами	3051,917	47				
Генотип	21,8%					
Атроф-муҳит	72,4%					
Ўзаро таъсир (ГАТ)	1,4%					
Тасодифий оғишлар	4,5%					

F₃ дурагай популяцияларида, F₂ ўсимликлари каби вегетация даврининг узунлиги бўйича ўрганилган тизмалар орасида аҳамиятли фарқланишлар аниқланди. Ушбу белгига энг катта таъсир (39%) муҳит омили кўрсатди. Генотипнинг таъсир улуши 30% га, генотип-муҳит ўзаро таъсири – 24% га тенг бўлди. Ҳисобга олинмаган омилларнинг улуши ҳам кам аҳамиятли (6,0%) эканлиги аниқланди.

Вегетация даврининг F₄ даги дисперсион таҳлил кўрсатдики, ушбу тажрибада белгининг ўзгарувчанлигига генотипнинг таъсири аҳамиятсиз бўлди, чунки Р-қиймати 0,05 дан кам бўлди, белгига атроф-муҳит таъсири ва генотип-муҳит ўзаро таъсири ишончли бўлди ва 68,3%га (муҳит ҳиссаси) ва 19,0%га (генотип-муҳит ҳиссаси) етди. Шундай қилиб, уч йиллик тажриба маълумотлари вегетация даврининг узунлигига кўпроқ муҳит таъсир этиши, яъни ғўза етиштиришнинг географик кенглиги таъсир этиши тасдиқланди.

F₂ дурагайларини ҳудудлар бўйича қиёсий таҳлил қилинганда энг юқори кўсак вазни Тошкент вилоятида ўртача 6,2 г, Фарғона вилоятида – 6,0 г, белгининг энг кичик кўрсаткичи Қашқадарё вилоятида кузатилди, бу ерда битта кўсакдаги пахта вазни ўртача гуруҳ бўйича 5,4 г ташкил этди.

Битта кўсакдаги пахта вазни бўйича қилинган икки омили дисперсион таҳлил шуни кўрсатдики, ушбу белги бўйича дурагайлар бир-биридан унчалик катта фарқ қилмади ва ушбу тажрибада белгининг ўзгарувчанлигига генотипнинг таъсири ишончли равишда аҳамиятсиз бўлди. Ҳисобга олинмаган омилларнинг улуши юқори бўлиб 57,3% етди. Муҳит ҳам белгига аҳамиятли таъсир этди – 26,0%.

Энг катта вариация коэффиенти F₂ [(F₁₅ Л-248) x (F₈ Л-243 x S-2552)] – 19,9%, ва F₂ [(F₈ Л-247 x S-484) x F₁₅ Л-248] - 10,8% дурагай комбинацияларда Тошкент вилоятида кузатилди. Фарғона ҳудудида дурагайларда битта кўсакдаги пахта вазни бўйича тахминан бир хил вариация коэффиенти 9,0 - 10,1% намоён бўлди. Қашқадарё ҳудудида ўртача кўрсаткичлар 5,2-5,7 г ташкил этгани ҳолда вариация коэффиенти нисбатан паст бўлди – 2,7-6,6%.

Битта кўсакдаги пахта вазнига генотип ва атроф-муҳитнинг таъсир улуши F₃ тахминан бир хил бўлган ва мос равишда 27% ва 28% га тенг бўлди. Белгиларнинг намоён бўлишига ушбу омилларнинг таъсири аҳамиятсиз бўлди. F₄ да генотип омили, атроф-муҳит омилига ўхшаб, битта кўсакдаги пахта вазнининг ўзгарувчанлигига ишончли равишда таъсир кўрсатди, бироқ уларнинг ҳиссаси нисбатан кичик бўлиб, мос равишда 14,3% ва 26,1%ни ташкил этди. Генотип-муҳитнинг таъсир этиш улуши аҳамиятсиз бўлди. Ушбу тажрибада энг катта ҳисса ҳисобга олинмаган омилларга тўғри келди – 54,6%. Таъкидлаш лозимки, уч йил давомида барча ўрганилган дурагайларда белги кўрсаткичининг 0,1 га дан 0,8 г гача ошиши қайд этилди, бу 1,7-12,3% ташкил этади ва, эҳтимол, бу мақсадли танлаш билан боғлиқдир.

Ҳудудлар бўйича F₂ дурагайлар солиштирилганда 1000 дона чигит вазни бўйича энг катта ўртача кўрсаткич Фарғона ҳудудида кузатилди – 119,7 г, бу эса қолган иккита гуруҳ кўрсаткичларидан ўртача 11-13 г кўп. Турли етиштириш ҳудудларида дурагай комбинациялари ҳар-хил кўрсаткичларини

намоён қилдилар, яъни дурагайларда ушбу белги барқарорликни намоён этади.

Буни икки омилли дисперсион таҳлил маълумотлари ҳам тасдиқлайди, бунда 1000 дона чигитнинг вазни ўзгарувчанлигига муҳитнинг сезиларли таъсирини (39,4%) ҳамда ҳисобга олинмаган омиллар таъсирининг катта улушини (51,7%) кўрсатди.

Учинчи авлодда энг юқори 1000 дона чигит вазни барча учта ҳудудда F_3 [(F_{15} Л-248) x S-2016] дурагай комбинациясида (мос равишда 121,6, 138,5 ва 130,7 г) кузатилди. Учта ҳудудларидаги тола чиқишининг энг паст вазни F_3 [(F_{15} Л-248) x (F_8 Л-243 x S-2552)] дурагайида аниқланиб, мос равишда 110,6, 114,9, 117,0 г ни ташкил этди.

Дисперсион таҳлил шуни кўрсатдики, ҳудудлар бўйича дурагай комбинациялар ва танлов гуруҳлар орасида 1000 дона чигит вазни белгиси бўйича сезиларли фарқланиш кузатилди. Бошқа омилларга нисбатан генотип омили белгига кўпроқ таъсир қилгани аниқланди, унинг улуши 48% бўлди. Чигит вазини намоён бўлишига атроф-муҳитнинг улуши унча сезиларли(17%) бўлмади.

Ҳудудлар бўйича генотиплар ва комбинация гуруҳлари фарқлари F_4 , худди F_3 даги каби, сезиларли бўлди. 1000 дона чигит вазни бўйича энг яхши кўрсаткичлар Қашқадарё вилоятида кузатилди ва гуруҳ бўйича ўртача 122 г ташкил қилди. Генотип ва муҳит 1000 дона чигит вазининг ўзгарувчанлигига ишончли равишда таъсир қилди, хусусан, генотип – 11,7%, муҳит – 33,1%. 1000 дона чигит вазининг ўзгарувчанлигига кўпроқ ҳисобга олинмаган омиллар таъсир қилди – 46,9%. Энг паст ўртача кўрсаткич Фарғона вилоятида кузатилди – 112,6 г, Тошкент вилоятида эса 1000 дона чигитларнинг ўртача вазни 119 г бўлди.

Тола чиқими бўйича юқори кўрсаткич, ўртача учта ҳудуд бўйича F_2 [(F_8 Л-247 x S-484) x F_{15} Л-248] ва F_2 [(F_{15} Л-248) x S-2016] дурагай комбинацияларда намоён бўлди, мос равишда 40,3 и 39,1 %. Қолган иккита комбинацияда тола чиқими унчалик юқори бўлмади – 36,1% ва 36,6%. Барча дурагай комбинациялари турли ҳудудларда ушбу белги бўйича барқарорлигини намоён қилишди, бу икки омилли дисперсион таҳлил маълумотлари билан ҳам тасдиқланди (3-жадвал). Ҳудудлар бўйича гуруҳларни қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, энг юқори тола чиқими Қашқадарё вилоятида қайд этилди, яъни комбинациялар бўйича ўртача 39,1%. Фарғона вилоятида тола чиқими ўртача 38,0% ва Тошкент вилоятида 37,2% тенг бўлди.

Икки омилли таҳлил тола чиқими бўйича комбинациялар орасида ва ҳудудлардаги гуруҳларда ҳам сезиларли фарқланишлар кўрсатди. Тола чиқими белгисининг ўзгарувчанлигига генотипнинг таъсир улуши 72,0% тенг бўлди. Белгига муҳитнинг таъсири эса анча паст бўлди – 11,3%. Бундан хулоса қилиш мумкинки, тола чиқими кўпроқ генетик детерминацияланган ва иккиланмасдан танлашни фенотип бўйича олиб бориш мумкин. Генотип-муҳитнинг биргаликдаги таъсирининг улуши паст (0,8%) бўлди (3-жадвал).

F₂ дурагайларида тола чиқимининг дисперсион таҳлили

<i>Вариация манбаси</i>	<i>SS</i>	<i>df</i>	<i>MS</i>	<i>F</i>	<i>P-қиймати</i>	<i>F-критик</i>
Танлама	142,4015	3	47,46717	54,0483	2,07E-13	2,866266
Устунлар	22,39319	2	11,1966	12,74896	6,52E-05	3,259446
Ўзаро таъсир	1,505567	6	0,250928	0,285718	0,93993	2,363751
Ичида	31,6165	36	0,878236			
Жами	197,9168	47				
Генотип	72,0%					
Атроф-муҳит	11,3%					
Ўзаро таъсир (ГАТ)	0,8%					
Тасодифий оғишлар	16,0%					

Тола чиқимининг вариация коэффициентлари F₃ дурагай популяцияларидаги бир хил комбинацияларда учта ҳудудларда ҳар хил бўлди. Масалан, тола чиқими белгисининг вариация коэффициенти F₃ [(F₈ Л-247 x S-484) x F₁₅ Л-248] комбинациясида энг юқори Фарғона вилоятида – 7,62% ва энг паст Қашқадарё вилоятида эди. F₃ [(F₈ (Бухара 6 x Л-h) x Л-247) x (F₈ Л-247 x S-6593)] дурагай комбинацияси, бошқа дурагайларга нисбатан, энг юқори вариабелликни Тошкент вилоятида кўрсатди, энг паст эса – Фарғона вилоятида. F₃ [(F₁₅ Л-248) x (F₈ Л-243 x S-2552)] комбинациясида энг юқори вариабеллик (7,31%) Қашқадарё ҳудудида намоён бўлди ва энг паст (1,42%) Тошкент ҳудудида бўлди. Бизнинг фикримизча, бу авлодда ушбу белги бўйича популяцияларнинг гетерогенлиги юқориликдан далолат беради.

Учта ҳудудларда синалган F₄ дурагайларнинг гуруҳлари солиштирилганда, тола чиқими кўрсаткичи бўйича улар орасида фарқланиш мавжудлиги аниқланди. Энг яхши натижа – 38,6% Фарғона ҳудудида кузатилди, энг паст – 36,6% Қашқадарё ҳудудида ва ўртача натижа – 37,6% Тошкент вилоятида олинди. Таъкидлаш керакки, турли ҳудудларда синовдан ўтган комбинацияларда белгининг вариабеллиги кузатилди.

Дисперсион таҳлил юқорида қайд этилганларни тасдиқлади – генотип ва муҳит ҳам алоҳида, ҳам биргаликда тола чиқимининг ўзгарувчанлигига ишончли равишда таъсир кўрсатишди. Генотипнинг улуши анча юқори бўлиб 40,1% ташкил қилди, белгининг намоён бўлишига муҳит ҳиссаси 12,6% бўлди. Генотип-муҳитнинг ўзаро таъсири 15,3% тенг бўлди.

F₂-F₄ дурагайларда толанинг юқори ўртача ярим узунлиги, нисбий узилиш кучи, микронейр каби сифат кўрсаткичлари тадқиқ қилинди. Барча ўрганилган комбинацияларнинг тола узунлиги II-IV типга жавоб беради. Учала ҳудудда ҳам энг юқори кўрсаткич F₂ [(F₈ (Бухара 6 x Л-h) x Л-247) x (F₈ Л-247 x S-6593)] дурагай комбинациясида намоён бўлди – ўртача 1,26 дюйм.

F_2 [(F_8 Л-247 х S-484) х F_{15} Л- 248] ва F_2 [(F_{15} Л- 248) х S-2016] комбинацияларда учта ҳудудлар бўйича ўртача 1,22 дюймни ташкил этди.

F_2 дурагайларда тола узунлигини ҳудудлар бўйича қиёсий таҳлил қилинганда, ўртача тола узунлиги 1,21-1,23 дюйм оралиқда жойлашгани аниқланди. Ҳудудлар бўйича барча тизмалар тола узунлиги бўйича юқори барқарорликни намоён этдилар. Бу белгининг кучли генетик детерминацияланиши билан боғлиқ деб ҳисоблаймиз, ва бу икки омилли дисперсион таҳлил маълумотлари билан исботланган (4-жадвал).

4-жадвал

F_2 дурагайларда тола узунлигининг дисперсион таҳлили

<i>Вариация манбаси</i>	<i>SS</i>	<i>df</i>	<i>MS</i>	<i>F</i>	<i>P-қиймати</i>	<i>F- критик</i>
Танлама	0,041322	3	0,013774	18,28764	2,23E-07	2,866266
Устунлар	0,002964	2	0,001482	1,967389	0,154569	3,259446
Ўзаро таъсир	0,004825	6	0,000804	1,067768	0,399691	2,363751
Ичида	0,027115	36	0,000753			
Жами	0,076226	47				
Генотип	54,2%					
Атроф-муҳит	3,9%					
Ўзаро таъсир (ГАТ)	6,3%					
Тасодифий оғишлар	35,6%					

Таҳлил шуни кўрсатдики, тола узунлиги бўйича комбинациялар орасидаги фарқ сезиларли бўлиб, бироқ гуруҳлар орасида сезиларсиз бўлди. Белгининг ўзгарувчанлигига генотипнинг улуши юқори бўлиб, 54,2% етди. Шу билан бир га, муҳит тола узунлигига ишончли равишда таъсир кўрсатмади ($P > 0,05$).

F_3 дурагай популяцияларида тола узунлиги белгиси бўйича икки омилли дисперсион таҳлил шуни кўрсатдики, ҳудудлар бўйича дурагай комбинациялар ва танлов гуруҳлар орасида фарқланишлар сезиларли бўлди. Тола узунлиги белгисининг намоён бўлишига генотипнинг таъсир улуши 23,0%га тенг бўлди. Ушбу иккита омилларнинг белгига ўзаро таъсири катта бўлмади, деярли 1,0%. Ҳисобга олинмаган омилларнинг улуши 37,0%га тенг бўлди.

F_4 дурагай популяцияларнинг дисперсион таҳлили тола узунлигини ўзгарувчанлигига генотипнинг (19,0%) ва муҳитнинг (12,0%) таъсири сезиларли даражада бўлганлигини кўрсатди. Генотип-муҳитнинг биргаликдаги таъсири ишончсизлиги маълум бўлди. Белгининг намоён бўлишига кўпроқ ҳисобга олинмаган омилларнинг улуши (53,5%) тўғри келди.

Ҳудудлар бўйича F_2 дурагай гуруҳларида толанинг нисбий узилиш кучи таққосланганда белгининг ўртача кўрсаткичлари таҳминан бир хил бўлди ва 32,3-33,0 гк/текс ни ташкил этди. Толанинг нисбий узилиш кучини ўзгарувчанлигига генотипнинг таъсир улуши жуда юқори бўлганлиги аниқланди – 82,4%. Шу билан бирга, белгига атроф-муҳитнинг таъсири

сезиларсиз бўлди, чунки Р-қиймати 0,05дан юқори эканлиги қайд этилди. Худудлар бўйича ўрганилган комбинацияларда нисбий узилиш кучи белгининг барқарорлиги кузатилди. Юқоридаги маълумотлар толанинг нисбий узилиш кучи реакция меъёрининг пастлигини кўрсатади (5-жадвал).

5-жадвал

F₂да толанинг нисбий узилиш кучининг дисперсион таҳлили

<i>Вариация манбаси</i>	<i>SS</i>	<i>df</i>	<i>MS</i>	<i>F</i>	<i>P-қиймати</i>	<i>F- критик</i>
Танлама	331,4006	3	110,4669	64,7504	1,41E-14	2,866266
Устунлар	3,532917	2	1,766458	1,035413	0,365413	3,259446
Ўзаро таъсир	5,93375	6	0,988958	0,57968	0,743975	2,363751
Ичида	61,4175	36	1,706042			
Жами	402,2848	47				
Генотип	82,4%					
Атроф-муҳит	0,9%					
Ўзаро таъсир (ГАТ)	1,5%					
Тасодифий оғишлар	15,3%					

Учинчи авлодда толанинг нисбий узилиш кучи комбинациялар орасида сезиларли даражада фарқланди, худудлар бўйича комбинациялар гуруҳлари орасида эса фарқлар кузатилмади. Белгига генотип таъсирининг улуши анча сезиларли бўлди – 79,0%. Генотип ва атроф-муҳитларнинг ўзаро таъсир улуши 6% ва ҳисобга олинмаган омилларнинг таъсир улуши 15%га тенг бўлди. Буларнинг ҳаммаси ушбу белгининг генетик бошқарилиши юқори даражада эканлигидан далолат беради.

Энг юқори нисбий узилиш кучи, тола узунлиги белгисига ўхшаб, F₄ [(F₈ Л-247 х S-484) х F₁₅ Л- 248] комбинациясида намоён бўлди ва ўртача 37,7 гк/текс ташкил этди. Тошкент вилоятида ушбу кўрсаткич 38,9 гк/текс га тенг бўлди. Таъкидлаш лозимки, бошқа худудларда унинг узилиш кучи қолган комбинациялардан юқори бўлди – 36,4 ва 38,0 гк/текс.

Икки омилли таҳлил кўрсатдики, муҳит толанинг нисбий узилиш кучига ишончли равишда таъсир қилмади, чунки Р-қиймати 0,05 дан кўп бўлди. Генотип эса белгига ишончли ва юқори даражада таъсир этди. Белгининг ўзгарувчанлигига генотипнинг ҳиссаси 80,2% етди. Ушбу белги бўйича олдинги икки йилда ҳам ўхшаш натижалар олинган эди. Шу сабабли хулоса қилиш мумкинки, толанинг нисбий узилиш кучининг реакция меъёри паст эканлигидан муҳит шароитига боғлиқ ҳолда белгининг кучсиз ўзгарувчанлиги кузатилади.

F₂ дурагайларда ўртача микронейр кўрсаткичи 3,9-4,0 мкг/дюйм га тенг бўлди. Бироқ, худудлар бўйича гуруҳлар таққосланганда, улар орасида фарқланиш кузатилди. Тошкент вилоятида экилган комбинациялар гуруҳи жуда паст микронейр кўрсаткичини намоён қилди ва ўртача 3,3 мкг/дюйм ни ташкил этди. Фарғона ва Қашқадарё вилоятларда синалган гуруҳларда микронейр мақбул бўлди ва мос равишда 4,3 и 4,4 мкг/дюйм га тенг бўлди. Тошкент вилоятидаги микронейрнинг паст кўрсаткичини пахта толасини

етилмаганлиги билан тушунтирса бўлади, чунки микронейр толанинг ҳам ингичкалигини, ҳам пишганлигини кўрсатади. Микронейр ўзгарувчанлигига муҳитнинг кучли таъсирини – 82,4% икки омили дисперсион таҳлил маълумотлари тасдиқлади (6-жадвал).

6-жадвал

F₂ дурагайларда тола микронейрининг дисперсион таҳлили

<i>Вариация манбаси</i>	<i>SS</i>	<i>df</i>	<i>MS</i>	<i>F</i>	<i>P-қиймати</i>	<i>F-критик</i>
Танлама	0,093217	3	0,031072	0,72771	0,542173	2,866266
Устунлар	11,68682	2	5,843408	136,8524	1,5E-17	3,259446
Ўзаро таъсир	0,563083	6	0,093847	2,197899	0,065792	2,363751
Ичида	1,53715	36	0,042699			
Жами	13,88027	47				
Генотип	0,7%					
Атроф-муҳит	84,2%					
Ўзаро таъсир (ГАТ)	4,1%					
Тасодифий оғишлар	11,1%					

Генотипнинг таъсири эса сезиларли бўлмади, чунки P-қиймати 0,05 дан юқори бўлди. Шундай қилиб айтиш мумкинки, толанинг микронейр кўрсаткичига муҳитнинг кучли таъсирини танлаш жараёнида инobatга олиш лозим ва ушбу белги бўйича бошланғич авлодларда ашёни чиқитга чиқариш керак эмас.

Худудлар бўйича тола микронейрининг 2019 йилдаги вариация коэффициентларнинг таҳлили кўрсатадики, Фарғона вилоятида энг юқори вариабелликни F₃ [(F₈ (Бухара 6 x Л-h) x Л-247) x (F₈ Л-247 x S-6593)] – 4,09% ва F₃ [(F₁₅ Л- 248) x (F₈ Л-243 x S-2552)] – 8,75% дурагай комбинациялари намоён қилишди. Қолган иккита вилоятда белгининг вариация коэффициенти юқори бўлмади (4,05% ва 1,9%), бу ушбу дурагай популяцияда белгини барқарор эмаслигидан далолат беради.

Учинчи авлодда тола микронейрининг дисперсион таҳлили шуни кўрсатдики, дурагай комбинациялар орасидаги тола микронейри бўйича фарқланишлар сезиларли даражада бўлган, худудлар бўйича экилган гуруҳлари орасида эса фарқланишлар кузатилмади. Микронейрга генотип таъсирининг улуши 38,0% га етди. Генотип-муҳит омилларининг ўзаро таъсирининг улуши 16,0% га тенг бўлди, ҳисобга олинмаган омилларнинг таъсири эса бошқа омиллардан энг юқори бўлиб, 45,0% ни ташкил этди.

Ўрганилган F₄ комбинацияларда учта худудлар бўйича тола микронейрининг ўртача кўрсаткичини қиёсий таҳлили улар орасидаги фарқларни кўрсатди.

Таҳлил шуни кўрсатдики, белги ўзгарувчанлигини намоён бўлишига генотип сезиларли даражада, деярли ярмига – 48,0% таъсир қилди. Атроф-муҳит омили ва генотип-муҳит ўзаро таъсири микронейр ўзгарувчанлигига

ишончли равишда таъсир этмади яъни – мос равишда 1,7% ва 12,0% ни ташкил этди.

Турли экологик зоналарда дурагай комбинацияларнинг ҳосилдорлиги аниқланди. Энг юқори ўртача ҳосилдорлик F_2 [(F_8 Л-247 х S-484) х F_{15} Л-248] комбинациясида аниқланди. Унинг ҳосилдорлиги 30,8 ц/га ташкил этди. Қолган учта комбинациялар тахминан бир хил ҳосилдорликни – 24,2-25,6 ц/га кўрсатишган.

Ҳосилдорликнинг қиёсий таҳлили турли ҳудудларда синалган дурагай гуруҳлар орасида фарқланишни кўрсатди, яъни 17,0 ц/га дан Тошкент вилоятида 33,3 ц/га гача Қашқадарё вилоятида. Фарғона ҳудудида дурагайлар гуруҳининг ўртача ҳосилдорлиги 28,4 ц/га ташкил қилди. Ўрганилган дурагай комбинацияларнинг ҳосилдорлиги тахминан тенг бўлганлиги сабабли бундан фарқланишни биз иқлим шароитларининг фарқи, ғўзанинг фотопериодга сезувчанлиги ва иссиқсеварлиги билан изоҳлаймиз (7-жадвал).

7-жадвал

F_2 дурагайларининг ҳосилдорлиги дисперсион таҳлили

<i>Вариация манбаси</i>	<i>SS</i>	<i>df</i>	<i>MS</i>	<i>F</i>	<i>P-қиймати</i>	<i>F-критик</i>
Танлама	351,7986	3	117,2662	2,79356	0,054168	2,866266
Устунлар	2242,214	2	1121,107	26,70744	7,73E-08	3,259446
Ўзаро таъсир	766,7058	6	127,7843	3,044127	0,016377	2,363751
Ичида	1511,184	36	41,97733			
Жами	4871,902	47				
Генотип	7,2%					
Атроф-муҳит	46,0%					
Ўзаро таъсир (ГАТ)	15,7%					
Тасодифий оғишлар	31,0%					

2019 йилда турли ҳудудларда дурагай комбинацияларда ҳосилдорлик бўйича юқори вариабеллик кузатилди. Масалан, F_3 [(F_{15} Л-248) х (F_8 Л-243 х S-2552)] комбинацияси Тошкент вилоятида энг кичкина вариация коэффициентини – 8,3% намоён қилди, қолган иккита вилоятларда коэффициентлар юқори (19,3% ва 17,5%) бўлди. Ушбу белгининг кўп компонентлиги туфайли унинг муҳитга боғлиқлиги юқори, деган хулоса қилиш мумкин.

Ҳудудлар бўйича F_4 дурагай популяцияларнинг ўртача ҳосилдорлиги турлича бўлганлиги намоён бўлди. Энг юқори кўрсаткич – 39,4 ц/га F_4 [(F_8 Л-247 х S-484) х F_{15} Л-248] дурагай комбинациясида кузатилди. Иккита комбинациянинг F_4 [(F_8 (Бухара бх Л-h) х Л-247) х (F_8 Л-247 х S-6593)] ва F_4 [(F_{15} Л-248) х (F_8 Л-243 х S-2552)] ҳосилдорлиги мос равишда 37,0 ц/га ва 36,1 ц/га ташкил қилди. Таъкидлаш лозимки, ҳудудлар бўйича комбинациялар гуруҳларида ўртача ҳосилдорлик ҳам бир-биридан катта фарқ қилди. Энг катта ўртача ҳосилдорлик – 40,9 ц/га Қашқадарё вилоятида синалган гуруҳда қайд этилди, энг паст – 31,6 ц/га Фарғона вилоятида. Тошкент вилоятида дурагайларнинг ҳосилдорлиги 37,9 ц/га ташкил қилди. Кўпчилик дурагай комбинацияларда, етиштириш ҳудудига қараб, ҳосилдорликнинг кучли

ўзгариши аниқланди. Бироқ, барча дурагай комбинациялари Қашқадарё вилоятида юқори кўрсаткичларни намоён қилишди.

F₄ дурагай комбинациялар ҳосилдорлигининг икки омилли дисперсион таҳлили белгига генотипнинг таъсири ишончли эмаслигини тасдиқлади, чунки Р-қиймати 0,05 дан юқори бўлди, белгининг ўзгарувчанлигига муҳитнинг ҳиссаси ишончли бўлиб, 28,2% ни ташкил этди. Генотип-муҳит ўзаро таъсири аҳамиятсиз бўлиб, ҳисобга олинмаган омилларнинг таъсири 50%дан ошди. Шундай қилиб, олинган натижалардан кўриниб турибдики, ҳосилдорликнинг ирсийланиш қобилияти паст бўлиб ва унга турли хил ташқи омиллардан фойдаланиб, ижобий таъсир кўрсатиш мумкин. Уч йил давомида танлашлар олиб бориш натижасида дурагай комбинациялар ҳосилдорлигини ўртача 10,5 ц/га ошишга эришилди.

Тошкент, Фарғона ва Қашқадарё вилоятларда турли хил генетик келиб чиқишга эга 10 та тизмаларни вертициллёз вилт билан касалланишини баҳолаш ишлари амалга оширилди.

Маълум бўлишича, 2018 йилда ўрганилган тизмалар вертициллёз вилтга чидамлилиги бўйича бир биридан сезиларли даражада фарқ қилдилар. Энг чидамли Т-998 тизмаси бўлди, учта ҳудуд бўйича унинг ўртача касалланиши 0,6% етди. Ҳудудлар бўйича тизмалар гуруҳларининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, ўрганилган тизмаларнинг касалланиш даражаси Тошкент вилоятида кўпроқ бўлди. Фикримизча, бу ҳодиса тупроқдаги вилт замбуруғларининг концентрацияси билан боғлиқ. Фарғона ва Қашқадарё вилоятларда вилт билан касалланиш деярли бир хил бўлди ва мос равишда 6,1%, 5,1%ни ташкил этди. Ҳудудлар бўйича тизмалар белгининг анча юқори барқарорлигини кўрсатди, бироқ уларнинг баъзилари Тошкент ҳудудида кўпроқ касалланди.

Икки омилли дисперсион таҳлил натижалари ушбу маълумотларни тасдиқлайди, ўрганилган тизмаларнинг статистик жиҳатдан ишончли фарқланиши ҳамда вилтга чидамлиликга муҳит ва генотип-муҳитнинг ўзаро таъсири аниқланди (8-жадвал). Белгининг ўзгарувчанлигига генотипнинг улуши сезиларли даражада – 67,7% бўлди. Муҳит 9,3%га таъсир қилган бўлса, уларнинг биргаликдаги таъсир улуши 17,6%га тенг бўлди. Ҳисобга олинмаган омиллар камроқ аҳамиятга эга бўлди – 5,4%.

2019 йилда ўтказилган тажрибаларнинг вертициллёз вилт билан тизмаларни зарарланишни дисперсион таҳлили, ўрганилган тизмалар ва ҳудудлар бўйича етиштирилган тизмалар гуруҳлари орасида ишончли фарқни кўрсатди.

Ўсимликларни вилт билан касалланишига генотип ва атроф-муҳит таъсирининг улуши тахминан бир хил бўлиб, мос равишда 37,0% ва 36,0%га тенг бўлди. 2020 йилда ҳудудлар бўйича тизмалар гуруҳларининг ўртача касалланиши тахминан бир хил бўлиб, Тошкент вилоятида 6,7%, Фарғона вилоятида 5,3% ва Қашқадарё вилоятида 7,3% ни ташкил этди.

**Ѓўза тизмаларининг вертициллёз вилт билан зарарланиши бўйича
дисперсион таҳлили, 2018 й.**

<i>Вариация манбаси</i>	<i>SS</i>	<i>df</i>	<i>MS</i>	<i>F</i>	<i>P-қиймати</i>	<i>F- критик</i>
Танлама	4888,018	9	543,1131	125,2543	6,01E-47	1,985595
Устунлар	675,1979	2	337,599	77,85806	2,35E-20	3,097698
Ўзаро таъсир	1270,396	18	70,57758	16,27681	5,48E-21	1,719592
Ичида	390,2474	90	4,336082			
Жами	7223,859	119				
Генотип	67,7%					
Атроф-муҳит	9,3%					
Ўзаро таъсир (ГАТ)	17,6%					
